

## ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ХИЗМАТ САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги Фармойишининг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази (кейинги ўринларда – Марказ) директори Р.Баҳодиров 2018 йил 22-27 сентябр кунлари Ўзбекистон Республикаси делегацияси таркибида Ҳиндистон Республикасида хизмат сафарида бўлди.

Хизмат сафари асносида “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи олдидан “Ўзбекистон-Ҳиндистон: маданиятлар мулоқоти” медиа-ивенти” тадбирлари доирасида Дели шаҳридаги “Жамия миллия исломия” марказий университетидаги илмий конференция, Ҳиндистон Ислом маданияти марказидаги илмий мулоқот, Ҳиндистон Миллий музейи илмий конференция, Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонасидаги тадбир ва Жавоҳарлал Неру университетида илмий конференцияда иштирок этди. Ўтказилган илмий конференцияларга раислик ва ҳамраислик қилди. Айни пайтда мазкур конференцияларда **“Ўзбекистон – Ҳиндистон: маданий мулоқотлар тарихини ўрганиш”** мавзусида маъруза қилди ва уни мавзуга оид тақдимот билан ёритиб борди.

Р.Баҳодиров маърузасида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган **“2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши”** ҳамда устувор йўналишлар, хусусан, **хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш**, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган фаолиятга тўхталди.

Бешинчи йўналишни ҳаётга татбиқ этиш борасида Ҳиндистон билан сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда қатор муҳим тадбирлар, хусусан, 13-14 сентябрь кунлари Самарқандда “Ҳиндистон-Марказий Осиё” мулоқотининг 5-йиғилиши ўтказилгани, Ҳиндистонда Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли бўлиб ўтгани зикр этди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги илмий-маданий мулоқотларга оид маълумотлар, хусусан, Қора-тепа (Термиз яқинида)ги эрамининг I асрида бунёд этилган буддавийликка оид ибодатхоналар тадқиқотидан бошланиши, Ҳиндистон олимларининг илмий ютуқлар ва ушбу мамлакатга тааллуқли маълумотлар IX-XI асрларда Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ва Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий асарларида ҳамда Абу Райҳон Берунийнинг юксак илмий эътиборга молик “Ҳиндистон” асарида ёритилганига урғу берди.

Бобурийлар даврида, XVI-XVIII асрларда, Ҳиндистонда маданият, хусусан, адабиёт, тарих, санъат архитектура юксак ривожлангани ва унинг ёрқин исботи Шоҳ Жаҳон даврида (1632-1653) қурилган ҳамда 1983 йилда ЮНЕСКО Бутунжаҳон меъморлик объектлари рўйхатига киритилган Тожмаҳал мажмуъаси эканлигини зикр этди.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан ўрта асрлардаги илмий мулоқотларга оид “Калила ва Димна”, Бедилнинг асарлари, Ҳиндистон тарихига оид “Бобурнома”, “Тарихи Рашидий”, “Хумоюннома”, “Акбарнома” ва бошқа кўпгина асарлар тадқиқ қилингани баён этилди. Илмий мулоқотлар Ҳиндистоннинг йирик китоб марказлари бўлган Мумбай, Лакхнав, Лоҳур ва бошқа шаҳарларидан Ўзбекистонга китоб ва қўлёзмалар келтирилиши билан ҳам боғлиқлиги, шунингдек, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий мулоқотлар янги даврда ҳам фаол давом этгани ҳамда иккала мамлакат ижодкорлари ҳамкорлигида илмий конференциялар, маданият кунлари ўтказилгани ва турли бадиий фильмлар олинганини қайд этди.

Маърузада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан халқимиз маданий бойликларни ўрганиш ва меросимизни кенг тарғиб қилишга алоҳида катта эътибор берилаётгани алоҳида таъкидланиб, 2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессияси, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси, республикамиздаги ҳар бир вилоятга ташриф чоғидаги маърузаларида диёримиз заминидан туғилиб вояга етган, ўз даврининг барча соҳаларини нафақат чуқур ўрганган, балки фундаментал ишлари билан уларнинг ривожланиши, яъни жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз – аллома ва мутафаккирлар, меъмор ва санъат аҳли томонидан яратилган бебаҳо маданий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодлар масалаларига алоҳида эътибор қаратаётгани зикр этилди.

Аждодларимиз меросини тадқиқ этиш борасида охириги бир йил ичида Давлатимиз раҳбарининг Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ва Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Халқаро Ислом академиясини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари ва “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида” фармойиши қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июнидаги “Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳам айни шу мақсадларга қаратилганлиги ва республика маънавий ҳаётида катта аҳамияга молик воқеа бўлганлиги алоҳида таъкидлаб ўтди.

Аждодларимиз томонидан яратилган маданиятимиз ҳамда унинг узвий қисмини ташкил этувчи маънавий меросимиз асрлар оша Она ватанимиз нафақат Марказий Осиёда, балки жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни нақадар буюклиги, маданий меросимизга қизиқиш ва унинг умуминсоний тараққиётга қўшган ҳиссасининг моҳияти ҳозирги кунда дунё илм аҳли томонидан тан олинаётганлиги ва кенг тарғиб қилинаётганлиги, ушбу мерос, яъни маданий бойликларимиз Ер шарининг барча қитъалари – Америка, Африка, Европа, Осиё ва ҳатто Австралияда ҳам борлигини алоҳида зикр этди.

Марказ ва унинг асосий вазифалари борасида келтирилган маълумотларда қуйидагилар баён этилди:

**- чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базаси – реестрини яратиш ва уни мунтазам янгилаб бориш;**

**- ана шу тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келиш;**

Хорижда Ўзбекистонга оид сақланаётган маданий бойликларни аниқлаш борасида қуйидагилар амалга оширилди:

- мамлакатлар рўйхати тузилди;

- улардаги музейлар, илмий муассасалар, институтлар, архивлар, кутубхоналар, фондлар, хусусий жамламалар ҳақида маълумотлар тўпланди;

- мазкур ташкилотлардаги маданий бойликлар турлари тасниф қилинди;

- Ўзбекистонга оид маданий бойликлар реестрини тузишда глобал Интернет тармоғидан кенг ва унумли фойдаланилмоқда;

- тўлиқ маълумотлар базаси – реестрни республикамызда ахборот-технология соҳасидаги талаб ва ютуқлар ҳамда жаҳон андозаларига мос ҳолда яратилмоқда ва доимий тарзда янгилаб бориш режалаштирилди;

Мавжуд манбалар ва Глобал интернет тармоғи орқали хориждаги кутубхоналар, музейларнинг сайтларидан олинган дастлабки маълумотлар – реестрга 3000 га яқин қўлёзма, миниатюра, безак-тақинчоқ, нақш, сурат, кийим, осори атиқа ва бошқа маданий бойликлар ҳақидаги тавсифлар киритилди.

Марказ ўз ишларида, яъни хориждаги маданий бойликларни олиб келишда асосий вазифаларидан бири деб Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази учун ёзма манбаларни келтиришни ҳисобламоқда ва бу борада тегишли таклифларни киритди. Таклифда Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий каби буюк аждодларимиз асарларининг қўлёзмалари ҳамда Улуғбекнинг юлдузлар глобуси борасидаги маълумотлар ўрин олган.

Ҳозирги кунга қадар Марказ Ўзбекистонга оид маданий бойликлар сирасига кирган қўлёзма манбалардан:

- Ўмон Султонлигининг Масқат шаҳридаги دار المخطوطات و الوثائق “Дор ал-махтутот ва ал-васоик” кутубхонасида сақланаётган Имом ал-Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ” асари қўлёзмасининг рангли электрон нусхаси олди ва Имом ал-Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига бепул ҳадя этди.

- Франция миллий кутубхонасида сақланаётган Алишер Навоийнинг “Куллиёт” асари қўлёзмасининг рангли электрон нусхаси олди ва тегишли ташкилотга бепул тақдим этди.

“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурини амалга оширилиши борасида Марказ ходимлари мазкур маълумотларни ўзида акс эттирувчи “UZCULTURE” электрон реестрини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш устида фаолият олиб бормоқдалар.

**- тегишли илмий марказлар, хусусан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориб, эришилган натижаларни илмий муомалага киритиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;**

**- турли анжуманлар, конференция ва кўргазмалар ташкил этиш;**

Юртимизга олиб келинадиган маданий бойликларни экспертлар гуруҳи томонидан белгиланадиган мавзу бўйича илмий тадқиқ этиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тегишли илмий муассасалари, хусусан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан биргаликда олиб борилиши режалаштирилган.

Марказ фаолияти маданий бойликларни ўрганиш билан боғлиқ бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистонда ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом ат-Термизий халқаро илмий тадқиқотлар марказлари, Халқаро Ислом академияси, Халқаро Амир Темур жамғармаси, Бобур халқаро жамоат жамғармаси, музейлар, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ҳамкорлик олиб борилаёпти.

Марказ бу каби қимматли асарларни республикамиз мутахассисларини жалб қилган ҳолда илмий тадқиқ этиш ва халқимиз, илм аҳли ҳамда халқаро миқёсда кенг жамоатчиликка етказиш режаларини тузган. Бу режаларда юртимизга олиб келинган маданий бойликларнинг илмий тадқиқоти натижаларига бағишланган турли анжуманлар, конференциялар ва кўргазмалар ташкил қилишни ҳам назарда тутилган.

**- илмий тадқиқот натижаларини маҳаллий ахборот воситалари (телевидение, радио, доимий нашрлар)да кенг ва мунтазам равишда ёритиб бориш;**

**- хориждаги мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни оммавий ахборот воситаларида, жумладан, глобал Интернет тармоғида кенг ёритиш;**

Илмий тадқиқот натижаларини Ўзбекистон ва хориждаги оммавий ахборот воситаларида ҳамда “UZCULTURE” электрон реестрини глобал Интернет тармоғида кенг ёритиш назарда тутилмоқда.

2018 йилда Буюк Британия, Россия ва Ҳиндистонда Марказ фаолиятига оид ташкил этилган илмий конференция ҳамда халқаро анжуманларда иштирок этилди ва эришилган илмий ютуқлар Оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилинмоқда.

**- фаолият йўналиши бўйича хорижий давлатлардаги музей ва фондлар, архивлар, илмий-маданий муассасалар билан ўзаро маданий алоқаларни йўлга қўйиш;**

Ўзбекистонга оид маданий бойликлар барча қитъаларда, яъни жаҳоннинг 40 та мамлакати – Австралия, Австрия, Англия, АҚШ, Афғонистон, Германия, Грузия, Дания, Италия, Канада, Малайзия, Миср, Озарбайжон, Португалия, Россия, Саудия Арабистони, Туркия, Франция, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги илмий муассаса, музей, архив, кутубхона, жамғарма ва жамламаларда сақланади.

Ташқи ишлар вазирлиги Марказнинг хорижий мамлакатлардаги тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши ва ривожлантиришига амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Кембриж университети ва “Ал-Фурқон” фонди (Буюк Британия) Россия этнография музейи, Россия миллий кутубхонаси, Шарқ давлат музейи (Россия) билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилди ва юридик расмийлаштирилди.

Ҳиндистонда Ўзбекистон бойликлари сирасига кирувчи, хусусан, Худобахш, Дели Миллий музейи, Рампур Раза кутубхонаси раҳбариятига уларда сақланаётган қўлёзмаларнинг илмий тадқиқотларини Марказ билан ҳамкорликда олиб бориш ва натижаларини уч (ўзбек, инглиз, рус) тилда нашр этиш таклифи киритилди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди ва уни юридик расмийлаштирига розилик олинди.

Р.Баҳодиров делегация аъзолар билан **23 сентябрь куни** буюк аждодларга эҳтиром юзасидан Ҳиндистоннинг Агра шаҳрига ташриф буюриб, Шоҳ Жаҳон томонидан бунёд этилган Тожмаҳал мажмуаси ва Акбар шоҳ мақбараси мажмуасини зиёрат этди.

Зиёрат давомида мазкур мажмуаларга асосан маҳаллий аҳоли – ҳиндистонликлар келиши, яъни аждодларимизга улар томонидан билдирилаётган эътибор бизда алоҳида ғурур уйғотди. Ушбу факт орқали Ҳиндистонда ҳам ички туризм кенг тарқалганининг шоҳиди бўлди.

**24 сентябрь куни** Дели шаҳридаги “Жамия миллия исломия” марказий университети “Ўзбекистон-Ҳиндистон: маданият мулоқотлари” номли илмий конференция ўтказилди. Мазкур конференция бошланиши олдида делегация аъзолари Университет ректори профессор Шаҳид Ашраф (Shahid Ashraf) қабул қилди ва қисқача Университет тарихи ҳамда йўналишлари

билан таништирди. Ушбу Университет Ҳиндистонда ўзбек тилини ўқитиш бўйича ягона олий ўқув юрти эканлигини ғурур билан таъкидлади.

“Ўзбекистон-Ҳиндистон: маданият мулоқотлари” илмий конференция ишини ўзбек томонидан проф. Р.Баҳодиров ва ҳинд томонидан проф. Рашми Дорайсвами (Rashmi Doraiswami) ҳамраисликда олиб бордилар. Рашми Дорайсвами конференцияни очиб, Ўзбекистон делегацияси кутлади ва унинг аъзолари билан таништирди ҳамда биринчи сўзни Р.Баҳодировга берди.

Р.Баҳодиров делегация номидан университет раҳбариятига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва зикр этилган мавзудаги маърузасида “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши”, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар тарихи ҳамда уларни ўзбекистонлик ва ҳиндистонлик олимлар томонидан тадқиқ этилиши ва Марказнинг фаолияти устида тўхтаб ўтди. Маърузада республикамизда туризмни ривожлантиришга берилган эътиборга алоҳида урғу берилди.

Ҳинд томонидан Р.Дорайсвами ҳам нутқ сўзлаб, иккала томонни бири-бирига яқинлаштирувчи мавзулар кўплиги, хусусан, Ҳиндистон ва Марказий Осиё мавзуси йўналишида илмий ҳамкорлик олиб бориш таклифини киритди ҳамда мазкур мавзуга бағишланган ўзининг илмий тадқиқотларини қамраб олган икки китобини ҳадя этди.

Р.Баҳодиров делегация номидан Университет кутубхонасига Ф.Абдухолиқов ташаббуси ва Э.Ртвеладзе илмий раҳбарли остида чоп этилган 10 томдан иборат “Ўзбекистон маданий мероси” мажмуасини тақдим этди. Ушбу ҳадя Университет раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари томонидан кўтаринки руҳ ва миннатдорлик билан қабул қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти директори, т.ф.н. Ш.Пидаев, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси кичик илмий ходими, PhD К.Раҳимов, Тошкент давлат шарқшунослик институти Жанубий Осиё тиллари кафедраси доценти С.Нурматов ҳам маърузалари билан иштирок этдилар.

Ўзбек тилини ўрганаётган талабалар делегация вакилларига она тилимизда марожаат этиб, Ўзбек тилини ўзлаштириш борасида эришган ютуқларини сўзлаб бердилар. Сўнгра Ўзбекистон делегацияси томонидан конференция иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоблар берилди.

Навбатдаги учрашув 24 сентябрь кунининг иккинчи ярмида Ҳиндистон Ислом маданияти марказида бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегациясини Марказнинг президенти Сирожуддин Қурейши (Sirajuddin Qureshi) кутиб олди ва ўзаро бўлиб ўтган илмий мулоқот асносида Ҳиндистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқалар сўнгги икки йилда авж олгани ва ўзининг ижобий натижаларини бераётганини алоҳида зикр этди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида унинг раҳбарлиги остидаги делегация Ўзбекистонни зиёрат этгани ва жуда катта таассуротлар билан қайтганлиги

хамда ҳиндистонликларда Ўзбекистондаги қадимий архитектура обидаларни зиёрат қилиш иштиёқи ошганлигини таъкидлаб ўтди.

Р.Баҳодиров зикр этилган мавзудаги маърузасида “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши”, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар тарихи ҳамда уларни ўзбекистонлик ва ҳиндистонлик олимлар томонидан тадқиқ этилиши ва Марказнинг фаолияти устида тўхтаб ўтди.

Маърузада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сўнгги йилларда Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани ва бу борада давлатимизда олиб борилаётган сайи ҳаракатларни зикр этилди. Р.Баҳодиров Ҳиндистон Ислоом маданияти марказидаги учрашувда иштирок этган барча вакиллари ва уларнинг мутасаддилигидаги шубҳалари ходимлари, барча ҳиндистонликларни Ўзбекистонни зиёрат этишга таклиф этди.

Учрашув асносида Ҳиндистон Ислоом маданияти марказига “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” китоблари тақдим этилди ва айни вақтда ҳамкорликда Ҳиндистондаги архитектура ёдгорликлардаги битикларга оид нашрларни амалга ошириш таклифи киритилди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

**25 сентябрь куни эрталаб** соат 10-00да Ҳиндистон Миллий музейида “Маданий мерос – Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги кўприк” мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди.

Ялпи йиғилишнинг раиси проф. Р.Баҳодиров конференцияни очиб, унинг иштирокчиларини Ўзбекистон делегацияси номидан қутлади ва Ҳиндистон Миллий музейи раҳбариятига конференцияни ўтказиш билан боғлиқ барча сайи ҳаракатлари ҳамда яратилган шароит учун самимий миннатдорлик билдирди.

Р.Баҳодиров табрик учун сўзни Ҳиндистон Миллий музейи Бош директори, доктор Будха Рашми Мани (Budha Rashmi Mani)га берди. Доктор Мани иштирокчиларини қутлаб, ўтказилаётган конференция Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг навбатдаги фаол босқичини ифода қилиши таъкидлади ҳамда барча маърузачиларга муваффақият тилади.

Ўзбекистон томонидан сўзга чиққан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқарувининг раиси Фирдавс Абдухолиқов ушбу илмий анжуман алоҳида аҳамиятга молик эканлиги ва унинг ўтказилиши иккила томон учун маданий ҳақорлик янада юқори босқичга олиб чиқишига ишонч билдирди. Ф.Абдухолиқов маърузасининг охирида “Ўзбекистон маданий мероси” лойиҳаси доирасида нашр этилган 10 томлик мажмуани Ҳиндистон Миллий музейига тақдим этди.

Сўнгра Ўзбекистонга оид хориждаги маданий меросни ўрганиш борасида олиб борилаётган фаолиятга бағишланган фильм намойиш этилди.

Конференциядаги биринчи маъруза билан Ўзбекистон томонидан Р.Баҳодиров чиқди. Иккинчи маърузани ҳиндистонликлар номидан доктор

Будха Рашми Мани эълон қилди. Конференцияда шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти директори, т.ф.н. Ш.Пидаев, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси кичик илмий ходими, PhD К.Раҳимов, Тошкент давлат шарқшунослик институти Жанубий Осиё тиллари кафедраси доценти С.Нурматов маърузалар қилдилар.

Осиё илмлари ассоциацияси бош котиби доктор Рина Марвах (Reena Marwah) ва проф. Саййид Ҳасан Аббос (Syed Hasan Abbas) маърузаларида Ҳиндистондаги Ўзбекистонга оид қўлёзмаларни ўз ичига олган тадқиқотлар бошлангани ҳамда Рампур Раза кутубхонасидаги қўлёзмалар каталоги нашр этилгани борасидаги маълумотларни ўз ичига олди. Конференцияда Ўзбекистон ва Ҳиндистон олимлари томонидан 18 та маъруза қилинди ҳамда уларнинг муҳокамаси қизгин бўлиб ўтгани ҳиндистонликлар бизнинг маданий бойликларимизни ташкил этувчи меросга катта эҳтиром ва эътибор билан ёндошаётганликларини кўрсатди.

Р.Баҳодиров конференция иштирокчилари, хусусан, Ҳиндистон Миллий музейи, Худобахш ва Рампур Раза кутубхонаси ва Осиё илмлари ассоциациясига Ҳиндистондаги Ўзбекистонга оид қўлёзмалар каталогини тайёрлаш юзасидан таклиф киритди. Таклиф мазкур ташкилотлар томонидан қабул қилинди ва уни юридик тарзда расмийлаштиришга розилик билдирилди.

**25 сентябрь куни**нинг иккинчи ярмида Ҳиндистон Миллий музейида “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи олдидан “Ўзбекистон-Ҳиндистон: маданиятлар мулоқоти” медиа-ивенти” ўтказилди. Медиа-ивентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев иштирок этди ва нутқ сўзлади. Тадбир асносида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорликни ёритувчи фильм намойиш этилди.

**25 сентябрь куни кечқурун** Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги элчихонасида медиа-ивент тадбирлари давом эттирилди ҳамда расмий қабул бўлиб ўтди.

**26 сентябрь куни** Р.Баҳодиров бошчилигидаги делегация Жавоҳарлал Неру университетида илмий конференцияда иштирок этдилар. Делегацияни халқаро тадқиқотлар факультетининг декани проф. Ажай Кумар Патнаик (Ajay Kumar Patnaik) кутиб олди ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирокида ўтказилаётган илмий конференцияда проф. Р.Баҳодиров билан ҳамраислик қилди.

Р.Баҳодиров зикр этилган мавзудаги маърузасида “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши”, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар тарихи ҳамда уларни ўзбекистонлик ва ҳиндистонлик олимлар томонидан тадқиқ этилиши ва Марказнинг фаолияти устида тўхтаб ўтди. Маърузада республикамизда туризмни ривожлантиришга берилаётган эътиборга алоҳида урғу берилди.



Проф. Ажай Кумар Патнаик ҳам ўз сўзида Ўзбекистондаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсатини кенг ва атрофлича ёритиб, иккала мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар янги босқичга чиқаётгани ва ўтказилаётган илмий конференция унинг исботи эканлигини таъкидлади.

Конференцияда проф. Санжай Кумар Пандей (Sanjay Kumar Pandey), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти директори, т.ф.н. Ш.Пидаев, проф. Пхул Бадан (Phool Badan), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси кичик илмий ходими, т.ф.н. К.Раҳимов, доктор Девендра Чоубей (Devendra K. Choubey), Тошкент давлат шарқшунослик институти Жанубий Осиё тиллари кафедраси доценти С.Нурматов ва Жавоҳарлал Неру университетининг бир қанча талабалари маъруза қилдилар. Сўнгра Ўзбекистон делегацияси томонидан конференция иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоблар берилди.

Конференция якунида Р.Баҳодиров делегация номидан Жавоҳарлал Неру университетига “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” мажмуасини ҳадя этди. Университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари тақдим этилган ҳадя жуда қимматли эканлиги ва ундан илмий фаолиятларида истифода этишларини қайд этдилар.

Хизмат сафарининг амалий самараси сифатида қуйидагиларни зикр этиш лозим:

1. Ҳиндистон Миллий музейида “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи олдидан “Ўзбекистон-Ҳиндистон: маданиятлар мулоқоти” медиа-ивенти” ва унинг доирасидаги Жамия миллий исломия ва Жавоҳарлал Неру университетдаги илмий конференциялар ҳамда Ҳиндистон Ислом маданият марказидаги мулоқотнинг мазкур ташриф арафасида ўтказилиши Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида маданий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга муайян даражада амалий хизмат қилишини кўрсатди.

2. Ҳиндистоннинг Миллий музейи, илмий муассасалари ва кутубхоналари раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази таклиф этган ўзаро ҳамкорлик бўйича Англашув меморандумини тузишни маъқуллаб, уни ўрганиб чиқиш ва имзолашга тайёрлигини билдирди.

3. Кутубхоналар билан илмий ҳамкорлик олиб боришда улардаги қўлёзмаларга оид библиографик тўплам тайёрлаш ва кейинчалик унинг каталогларини уч (ўзбек, инглиз, рус) тилда нашр этиш мақсадга мувофиқлигига келишилди.